
Шифокорларимиздан навбатдаги ғалаба: Наманганда ҳам тўрт нафар бемор коронавирусдан бутунлай соғайди

Юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар орасида буткул соғайганлар сони яна 4 нафарга кўпайди.

Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги [хабар қилди](#).

Наманган вилоятидаги тўрт нафар коронавирусни юқтирган фуқаро бутунлай соғайиб, реабилитацияга олинди.

Улар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солижон Мўминов ва бошқа масъуллар томонидан вилоят реабилитация марказига кузатиб қўйилди. Касалликдан тuzалган фуқаролар маълум муддат шу ерда карантинда бўлади, - дейилади ССВ хабарида.

Фото: Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

2020-04-10 18:55:16